

SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқ муҳофазаси масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда нашр қилинади



А.Есимов сурати

Чўл клублари: ташаббусдан натижагача

Наталья Шивалдова, Экомактаб, nshivaldova@mail.ru

2012-2013йй. ташаббускорлар кучи билан Сайгоқни сақлаш бўйича альянснинг фаол ёрдамида Чўл клубларини ташкил қилиш ишлари олиб борилди. Ушбу жамоат ташаббуси пайдо бўлишининг географияси харитада кузатилганда, у анча кенг – Қалмоғистоннинг бепоён чўлларидан Орол олди сахро манзараларигача. Ушбу ерларда жойлашган шаҳар ёки кичик посёлкаларда анъана ва ўзига хос яшаш тарзи билан ифодаланадиган миллий маданиятнинг такрорланмас хусусиятлари мавжуд. Ушбу регионларни битта умумий ва жуда муҳим хусусият бирлаштиради – ушбу худудлар сайгоқ яшайдиган ерлар яқинида жойлашган.

Узоқ йиллардаги бундай қўшнилик давомида инсон унинг ёнида чўл антилопаларнинг кўп сонли подалари юришига ўрганган. Қадим замонлардан буён сайгоқ одамларни озуқа ва кийим билан таъминлайдиган ов учун; одамлар дилига табиатнинг монандлиги ва оқиллиги тўғрисидаги фикрни солиб маънавийлик ва маданият учун битмас-туганмас манба бўлган.

Агар бугун сиз чўл посёлкасида яшайдиган ўқувчидан “Сайгоқни кўрганмисан?” деб сўрасангиз, жавоб кўпроқ салбий бўлади. Энг яхши ҳолда болаларга сайгоқ китоблардаги расм ёки ушбу чўл антилопаларнинг подалари посёлкалари ёнидан ўтиб юрган замонларни кўрган кексаларнинг хикоялари бўйича таниш.

Кўп йиллар давомида сайгоқ билан ёнма-ён яшайдиган одамларда ушбу ҳайвонга нисбатан шахсий талаби нуктаи назаридан хато муносабат пайдо бўлган: «Фақат олиш, истеъмол қилиш» ва эвазига ҳеч нарса! Табиат сайгоққа омон қолишга ва тикланишга ноёб қобилият бериб бор имконини ишлатди. Бироқ сайгоқ бугун ҳақиқий фалокатга йўлиқди. Қандай қилиб ёрдам бериш, сайгоққа ёрдамга ким келиши мумкин? Биринчи навбатда инсоннинг ўзи, арид экотизимларнинг энг муҳим бўғини сифатида, унга нисбатан ғаразли ва ваҳшиёна муносабатини ўзгартириши керак.

Охири 2 бетда.

МУНДАРИЖА

Асосий мақола

Наталья Шивалдова

Чўл клублари: ташаббусдан натижагача 1

Янгиликлар

Кристиан Ретгер

Остонада сайғоқни сақлаш бўйича кенгаш бўлиб ўтди 4

Юрий Грачев

2013 й. Қозоғистонда сайғоқларни авиа ҳисобга олиш
натижалари 5

*Наталья Шивалдова, Евгения Самтанова,
Карлин Сэммуэль и Жанна Аксартова*

Сайғоқ куни-2013

Ўзбекистонда “Сайғоқ куни” нишонланди 5

Қалмоғистонда сайғоқ шарафига байрам 6

Қозоғистонда Сайғоқ куни 7

Матбуотдан:

Қозоғистонда сайғоқлар ялпи нобуд бўлишининг яна бир
ҳолати.

Хитойда сайғоқ шохларининг катта миқдори қўлга олинди.

Сайғоқларни тутқинликда кўпайтириш табиий популяцияларни
мустаҳкамлаш омили сифатида.

Ўзбекистонда фотокопконларни қўллаш.

«Чўл клублари» мисолида эко-таълим асослари.

Мақолалар

Наталья Судеев

«Степной» заказнигидаги «Чегара» мижароси ёки сайғоқлар
кимнинг ерида туғилди? 12

Эмма Мардсен ва бошқ.

Ўзбекистонда сайғоқ мониторинги маълумотларининг таҳлили,
2006-2012 йй. 14

Жаннур Бакытжанкызы

Иргиз-Тўрғай давлат табиат резерватида (Қозоғистон) сайғоқ
мониторинги 15

Лиджиа Дорвард ва бошқ.

Шимоли-Ғарбий Каспий олдида яшайдиган сайғоқлар
популяцияси ҳолатини баҳолаш учун маҳаллий аҳоли
иштирокидаги мониторингдан фойдаланиш 17

Елена Бикова, Александр Есипов

Ўзбекистонда Устюрт платосида кам учрайдиган туёқлилар
турларини ноқонуний овлаш даражаси 19

Сайғоқни сақлаш – ҳаётларининг иши

Анатолий Хлуднев, Россия 20

Эълонлар

Сайғоқ бўйича ресурс маркази очилди! 21

Охири (боши 1 бетда)

Ахир, сайғоқсиз арид ҳудудлар келажакда
жуда тез деградацияга маҳкум.

Бошланиши

Бугун, кўп йиллар илгаридек, ўқитувчилар
жамиятнинг энг тараққийпарвар қисмини
ташқил этади, миллатнинг энг яхши
сифатлари, маънавий бойликлари ва тўғри
мақсадлар соҳиби ҳисобланади. Билим ва
танқидий фикрлаш кўникмаларининг маълум
даражасига эга бўлиб, ўқитувчилар доимо
ижтимоий фаол ҳамда жамият ва теварак
атрофда пайдо бўладиган муаммоларга
биринчилар қаторида жавоб беради. Шунинг
учун, сайғоқ ҳимоясига йўналтирилган
биринчи жамоат ташаббуслари мактаб
ўқитувчилари муҳити орасида пайдо
бўлишининг ажабланарли жойи йўқ.
Мактаблар базасида кекса авлод заковатини
ёшлар ғайрати ва максимализми билан
бирлаштирган ташаббускорларнинг биринчи
гурuhlари пайдо бўлди.

Сайғоқни сақлаш бўйича альянс, маҳаллий
бошқарув органлари ва табиатни муҳофаза
қилиш бўйича давлат тузилмаларининг
бевосита иштироки ва кўмаги туфайли амалга
ошириш имкони пайдо бўлган кенг кўламли
“Сайғоқ куни” тадбири имкониятларнинг
биринчи синови бўлди. Сайғоқ куни маҳаллий
аҳолининг турли ёшдаги ва ижтимоий
гурuhlарига мўлжалланган бўлиб, сайғоқ
яшайдиган ҳудудларда жойлашган
Қалмоғистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон
посёлкаларини ғоявий ва географик жиҳатдан
бирлаштириб, тахминан бир вақтда
ўтказилади.

Ушбу йил сайғоқ ҳимояси бўйича жамоат
ташабусларининг мустаҳкамланишида муҳим
давр бўлиб қолди, чунки айнан бу йил Чўл
клублари ўзининг шаклланишида дадил қадам
қўймоқда. Қалмоғистон Республикасида
Яшқўл гимназиясининг базасида Қалмоғистон
Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази
фаолларининг иштирокида “Жонли мерос”
Чўл клуби фаолият кўрсатмоқда. Ушбу клуб
аъзолари ўзининг Низомини тасдиқлади,
истикболдаги ҳаракатлар дастурини қабул
қилди ва, хатто ёқимтой ва ожиз сайғоқча
тасвирланган эмблемага эга бўлди.

Қозоғистонда Бетпақдала ва Урал
популяциялари яшаш жойларининг яқинида,
Аккол, Ажибай ва Нурсай посёлкаларида
қишлоқ мактаблари базасида ҳам Чўл
клублари тузилган. Ўзбекистонда Устюрт
сайғоқ популяциясининг яшаш жойларида
Жаслик посёлкасида 54-сонли мактаб,
Қорақалпоқ посёлкасида 56- ва 26-сонли
мактаб, ва Нукус шаҳрида 37-сонли мактаб
базаларида Чўл клубларини тузиш бўйича
жамоат ташаббусини ўқитувчилар ва маҳаллий
жамоат вакиллари ҳам қўллаб-қувватлади.
Клублар тузиш қарорини қабул қилишдан
олдин, ушбу посёлкаларда экологик
таълимнинг методик асослари бўйича
семинарлар ва шунингдек

ташаббусли гуруҳларнинг барча ғоя ва режаларини “умумий маҳраж”га олиб келган йўл-йўрик кўрсатадиган семинар ўтказилди.

Чўл клуби феномени

«Вожабо, бироқ болаларимиз сайғок тўғрисида нақада кам билади! Қандай қилиб билсин ҳам, телевизор экрани ёки замонавий китобларда уларнинг посёлка ва шаҳарлари ёнида яқин-яқинларда ҳам яшаган чўл антилопаларидан кўра антарктида пингвинлари ёки африка шерлари билан танишиш осонроқ бўлса. Хатто болалар майдончаларида ҳам болаларимизни бегона фауна вакиллари кутиб олади. Мен жонажон табиатимиз, унинг ёрқин намояндалари тўғрисидаги билимларни йўқотаётганимизни кузатиб, четда тура олмайман! Хотира ва билимларни йўқотиб, биз кадрият туйғусини бутунлай йўқотамиз ва чўл учун муҳим бўлган сайғок каби турни йўқотишдан кўрқинч сезгисини заифлаштираемиз. Ишни “ўз уйи”: кўчаси, аҳоли пункти, худуди, мамлакати, сайёраси; яшайдиган жойининг тарихи, халқ тарихи, миллат тарихи; ўзининг яшаш тарзи, қалби, юрагидан бошлаш керак. Ушбу мақсадга эришиш учун ягона ахборот-экологик майдонини яратиш зарурлигига қўшиламан.

масалаларининг аниқланиши ва ўзаро мослаштирилишидан сўнг, уларнинг вазифалари аниқ белгиланди. Ўсиб келаётган авлод учун сайғокнинг муҳофазаси ва химояси бўйича амалий фаолиятга жалб этиш йўли билан атроф муҳит муаммоларига қизиқиш уйғотиш, мустақил билим орттирадиган тадқиқий фаолият кўникмаларини хосил қилишни таъминлаш, коммуникатив ва сардорлик кўникмаларини ривожлантириш, ҳамда бўлғуси касблар учун дастлаб асосларни солиш муҳим. Умуман олганда, бу сайғокни ноқонуний овлашга қарши курашда ўсиб бораётган авлоднинг онгли иштирокига ёрдам беради, ахир охирги маълумотлар бўйича, браконьер ёшарди – сайғокни ноқонуний овлаш билан кўпроқ ўсмирлар шуғулланмоқда. Катта одам манфаатларининг шаклланишига бола таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир. Бола ғоявий мулоҳазаларга кўра сайғок гўштини истеъмол қилишдан бош торганида, онада сайғок гўштини сотиб олиш мотивацияси камайганига мисоллар маълум.

Бунинг устига, Чўл клублари таълим фаолиятининг катталарга таълим бериш каби долзарб ва ўз вақтидаги турини ташкиллаштириш майдончаси ҳисобланади. У катта авлодда маданий даражасини ошириш, умумий дунёқарашни кенгайтириш, билим орттириш

ва маданий талабларини кондиришга йўналтирилган. Агар кўшимча кўникма ва касб олиш имкони туғилса, катталарнинг мотивацияси ва фаолиги анча ошади. Шу сабабдан, истикболдаги режада клублар маслагада хунармандчилик, амалий саънат ва табиат туризми бўйича турли бизнес-лойиҳалар яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

И. Гапонченко сурати



“Жонли мерос” чўл клубининг иштирокчилари В.Р.Вильямс номли Ем— хашак Бутунроссия илмий-тадқиқот институти ва Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар марказининг олимлари билан учрашувда.

Чўл клублари эса маънавият “манбаларига” қайтиш ва сайғокни қутқариш учун курашишга жуда зўр имкондир» - бундай фикрни “Чўл клублари”нинг “туғилишини” биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус ш. 37-сонли мактабининг ташаббускор-ўқитувчиси Абдиқаримова Мадина билдирди.

Чўл клуби форматини тасаввур қилсак, у оддий мактаб экологик клубининг форматидан анча кенгрок бўлади, бироқ у бари бир маҳаллий мактаб ташаббускор-ўқитувчиларининг ташаббусларига асосланади. Барча клуб аъзолари сайғокнинг фаол химоячилари бўлиб, уни сақлаб қолиш ғояси ва шунингдек, чўл антилопасига браконьерликни тўхтатиш истаги билан бирлашган. Клублар фаолиятини мазмунига кўра шартли иккита қисмга ажратиш мумкин: болалар ва ёшларни экологик тарбиялаш ва ўқитиш; катталар учун ўз қобилиятларини кўрсатиш ва маълумот олиш имконияти. Чўл клублари фаолияти умумий устувор

Таҳририятдан: Сайғокни сақлаш бўйича альянс PTES (People's Trust for Endangered Species) фондига 2012-13 йй. учта давлатда Чўл клублари тармоғини, ҳамда Дисней (Канада) фондига Ўзбекистонда биринчи Чўл клубларини қўллаб-қувватлагани учун миннатдорчилик билдиради.

А.Ешинов сурати



Мадина Абдиқаримова ва «Надежда» Чўл клуби, Нукус ш. 37-с. м. ўзининг ишини Сайғок қунига бағишлаб Ўзбекистон, Нукус ш. ўтказилган пресс-конференцияда тақдим этди.

Янгиликлар

Остонада сайғоқни сақлаш бўйича кенгаш бўлиб ўтди

Кристиан Ретгер UNEP/CMS Котибияти, CRoettger@cms.int

2013 йил 18 июнь куни Қозоғистон, Остонада сайғоқни сақлаш масалалари бўйича Кўчиб юривчи турлар бўйича Конвенциянинг Ҳамжихатлик меморандуми (КМВ ҲМ) доирасида техник кенгаш ўтказилди. Ушбу кенгашнинг мақсади Инфратузилманинг Қозоғистондаги темир йўллар ва чегара олди тўсиқлар каби объектлари қурилишининг сайғоқларга бўлган таъсири хусусиятларининг муҳокамаси, ушбу таъсирни юмшатиш йўлларини кўриб чиқиш ва шунингдек Сайғоқ бўйича ҲМ бажарилишининг халқаро координацион механизми – Сайғоқ бўйича ресурс марказининг веб-сайтини тақдим этишдан иборат эди.

оқилонга чоралардан фойдаланиш керак. Ушбу тавсиялар КМВ Котибияти томонидан Франкфурт зоологик жамияти (FZS), Қозоғистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (АСВК) ва “Фауна ва флора Интернешнл” (FFI) билан биргаликда ташкиллаштирилган маърузада келтирилган.

Кенгашнинг иккинчи қисми Сайғоқ бўйича ресурс маркази (РЦС) – ҳам турни сақлаш масалалари билан шуғулланадиган мутахассислар, ҳам бошқа манфаатдор шахслар учун онлайн режимида баҳслашиш учун майдонча тақдим этадиган веб-сайтга бағишланди.

РЦС сайғоққа таалуқли барча маълумотлар, шунингдек адабиёт, фото- ва видео материаллар бўйича кўп мақсадли маълумотлар базасидан иборат маълумот платформа сифатида ўйланган. Мутахассислар учун ресурслар бўлими сайғоқ ва ушбу турни сақлашга тегишли лойиҳалар бўйича экспертларнинг маълумотлар базасидан иборат. Ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг расмий вакиллари, экспертлар ҳамда манфаатдор шахслар ушбу бўлимда рўйхатга олиниши ва лойиҳалар бўйича ўзининг тажрибаси ва ишлари билан ўртоқлашиш, ҳамда бошқа фаолият ва мутахассислар тўғрисида маълумотга эга бўлиши мумкин.



А.Есенов сурати

ҚР атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари ж-б Нисанбаевнинг табрик сўзи.

Иштирокчилар мавжуд бўлган чегара олди тўсиқ ҳамда Қозоғистон ва Ўзбекистонда темир йўл инфратузилмасидан фойдаланишнинг салбий таъсирини камайтиришнинг амалга ошириб бўладиган йўлларини муҳокама қилди (SN-15 қар.). 2016 йилга “Янги Ипак йўли” лойиҳаси доирасида умумий узунлиги 1 600 километр бўлган темир йўллари кўшимча қурилади, бу Осиё ва Европа ўртасида савдо ҳажмини оширишга имкон беради. “Шарқ-ғарб” темир йўл қисми сайғоқнинг муҳим яшаш райони бўлган, экологик яхлит ва деярли аҳоли яшамайдиган худуддан ётказилади.

Кенгаш иштирокчилари тўсиқларнинг сайғоқлар учун бехатар бўлган турларини, масалан, тикансимнинг пастки иккита қаторисиз, яратиш бўйича тавсияларни мақуллади. Темир йўл қурилишининг салбий таъсирини камайтириш учун уни сайғоқ яшайдиган асосий районларни четлаб қуриш маъқулроқ бўлар эди. Агарда сайғоқ яшаш жойларини четлаб қуриш имкони бўлмаса, таъсирни камайтириш бўйича, темир йўл бўйлаб одамларнинг ҳозир бўлишини минимумга олиб келиш ва зарарни коплаш (поездлар учун “Сайғоқни муҳофаза қилиш учун пул йиғиш”) механизмини қўллаш каби

Веб-сайтнинг асосий мақсади – сайғоқни сақлаш масалалари бўйича КМВ ҲМ бажарилиши тўғрисида маълумотлар билан алмашиш ва сайғоқ яшайдиган давлатларни ҳамда сайғоқдан тайёрланган махсулотларни истеъмол қиладиган ва савдоси билан шуғулланадиган давлатларни Ҳамжихатлик Меморандуми доирасида маълумот ва тажриба билан алмашишга таклиф қилиш. Сайғоқ бўйича ресурс маркази Сайғоқни сақлаш бўйича альянс (SCA) ва АСВК, ҲМ бажарилишининг иккита техник координатори томонидан КМВ ва Швейцарияда СИТЕС Котибиятининг молиявий кўмагида ишлаб чиқилди.

Кирк Олсонни «Сайғоқлар учун ўтиш вариантлари. Қозоғистонда чегара тўсиқлари ва темир йўлдан сайғоқлар ўтишининг чекланишини камайтириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар» докладини инглиз тилида қуйидаги сайтдан олишингиз мумкин:

http://www.cms.int/species/eurasian_mammals/kirk_olson_c_айрак_connectivity_sw_kazakh_e.pdf

рус тилида:
http://www.cms.int/species/eurasian_mammals/kirk_olson_c_айрак_connectivity_sw_kazakh_r.pdf

Сайғоқ бўйича ресурс маркази:
<http://www.сайракresourcecentre.com/>

2013 й. Қозоғистонда сайғоқларни авиа ҳисобга олиш натижалари

Қозоғистонда сайғоқларни авиа ҳисобга олиниши 2013 й. 4-27 апрель кунлари ҚР КН МОН Зоология институти, ҚР МООС Ўрмон ва ов хўжалиги кўмитаси, “ПО Охотзоопром”, ўрмон ва ов хўжалиги область ва ҳудудий инспекциялари, (АСБК) Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш ассоциацияси ва “Ҳайвонот дунёси ИТИ” ТОО ходимлари иштирокида ўтказилди. Дастлаб маълумотларга кўра Қозоғистонда сайғоқларнинг умумий сони 186.0 минг (2012 й. 137.5

минг ҳайвонни ташкил этган), жумладан бетпақдала популяциясида - 155.2 минг, устюрт популяциясида – 5.4 минг, урал популяциясида - 26.4 минг зотдан иборат. 2012 йилга нисбатан бетпақдала популяциясининг сони 40.9 % га, урал популяциясининг сони – 26.3 %га ўсган, устюрт популяциясининг сони - 17.0%га камайган. Сайғоқларнинг умумий сони 2012 й. нисбатан 36.0 % га кўпайган.

Қ.ЛОХ МООС РК сурати



Сайғоқ куни-2013

«Сайғоқ куни» анъанавий халқаро экологик байрамга айланиб қолди. Унинг мақсади сайғоқнинг йўқолиб бориши муаммосига эътиборни қаратиш ва шунингдек уни сақлаш бўйича кўрилатган чоралар тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, ушбу ноёб, йўқолиш арафасида бўлган турга нисбатан аҳолининг муносабатини ўзгартиришдан иборат.

«Сайғоқ куни» анъанавий халқаро экологик байрамга айланиб қолди. Унинг мақсади сайғоқнинг йўқолиб бориши муаммосига эътиборни қаратиш ва шунингдек уни сақлаш бўйича кўрилатган чоралар тўғрисида аҳолининг хабардорлигини ошириш, ушбу ноёб, йўқолиш арафасида бўлган турга нисбатан аҳолининг муносабатини ўзгартиришдан иборат.

Ўзбекистонда “Сайғоқ куни” нишонланди

Наталья Шивалдова, “Екомактаб” ННО

Сайғоқ кунлари Ўзбекистонда биринчи йил ўтказилиши эмас, улар шу ерли болаларга жуда ёқиб қолган. Ушбу экологик ташаббуснинг мактаб чегарасидан чиқиши бу йилнинг ўзига хос хусусияти бўлди. Байрам тадбирларига маҳаллий бошқарув вакиллари ва жамоат ғайрат билан қўшилиб кетди. Қорақалпоғистоннинг сайғоқ яшаш жойларида жойлашган посёлкаларида ва Нукус ш. май ойида ўтказилган байрамга тайёргарлик ўқитувчилар ва Чўл клубларининг фаоллари иштирокида ўтказилди. Сайғоқ куни экологик байрами доирасида бир қатор тадбирлар ўтказилди, ўқувчиларга жонажон табиатнинг муҳофазаси, она тили ва маҳаллий анъаналарни ардоқлаш билан боғлиқ билимларнинг турли соҳаларида ўзини кўрсатишга имкон берадиган турли тематик тадбирлардан иборат танлов - «экологик экспресс» янги тадбирлардан бири бўлди. Қуйидаги посёлка мактаблари бу йилнинг фаол иштирокчилари бўлди: Жаслик (54-сон ў.м. базасида) ва Қорақалпоқ (56- ва 26-сон ў.м.

базасида). Сайғоқ кунини ўтказиш бўйича ташаббус Нукус шаҳрида ҳам қўллаб-қувватланди (37-сон ў.м.).

Бу йил экологик плакат танловида фақат ўқувчилар қатнашиб қолмай, хатто катталар – болалар боғчаси, медицина муассасалари, Газокомпрессор станцияси ва маҳаллий жамоа вакиллари ҳам иштирок этди. Маданий, ижодий ва интеллектуал тадбирлардан ташқари, Сайғоқ куни доирасида Жаслик посёлкасида



Сайғоқчалар ракси, Қорақалпоқ п., 26-сон мактаб.

футбол бўйича турнир, Қорақалпоқ посёлкасида волейбол беллашувлари ўтказилди. “Сайғоқ ҳимоячиси” Кубогига ўтказилган ушбу спорт мусобақаларида жойлардаги милиция ходимлари, газоконпрессор станцияларининг ишчилари, маҳаллий жамоат вакиллари ва албатта, посёлка мактабларининг юқори синф ўқувчилари қатнашди.

2013 йил 7 май куни Қорақалпоғистон Республикаси Давтабқўмитасининг мажлислар залида Сайғоқ куни экологик байрамнинг яқунларига бағишланган пресс-конференция бўлиб ўтди. Пресс-конференцияда, уларнинг раҳбарлигида баҳор келиши билан Қорақалпоғистоннинг Чўл клублари фаол ишлаш бошлаган, ўқитувчи-новаторлар, журналистлар ва жамоатчиликнинг манфаатдор вакиллари қатнашди. Тадбир Қорақалпоқ табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қорақалпоқ бўли-



А.Есимов сурати

Кичик томошабинлар сайғоққа бағишланган расмларни кўрмокда, Қорақалпоқ п. 56-сон мактаб.



А.Есимов сурати

Экологик экспресс: «Анъана» бекати, Қорақалпоқ п. 56-сон мактаб.

маси кўмаги ва фаол иштирокида Сайғоқни сақлаш бўйича альянс билан ҳамкорликда ўтказилди.

Пресс-конференция дастури доирасида “Чўл эртаги” мультфильмининг презентацияси бўлди (SN-16 қар.). Болалар учун мультипликацион фильмни болаларнинг «қўллари» билан қилиш ғояси 2012 йил Сайғоқ кунини ўтказиш вақтида пайдо бўлди. Мультфильм кўриб чиқилгандан сўнг унинг музокараси ўтказилди. Барча томошабинлар чўл антилопасининг ҳимояси учун ишнинг турли шакллари ҳамда жамоатчилик ва давлатнинг ҳаракатларини бирлаштириш кераклигида яқдиллик кўрсатди.

Қалмоғистонда сайғоқ шарафига байрам

Е.А.Самтанова, «Жонли мерос» чўл клуби

2013 йил 17 апрель куни Қалмоғистон Республикаси Яшқўл гимназияси базасида катта муваффақият билан Сайғоқ куни ўтказилди. Қалмоғистон Республикаси етти та мактабининг ўқувчилари ҳамда Россия Ростов области Орлов туманининг ўқувчилари байрам меҳмонлари ва иштирокчилари бўлди. Байрамни “Сайғоқ тўғрисида ўйлаш вақти” анъанавий қалмиқ удуми очди. Яшқўл посёлкасида “Тенгдош” болалар ташкилотининг сардорлари ўзининг отряд-улусларининг аъзоларини агроф муҳит муаммоларидан четда қолмасликка, сайёрамиз “марказида” бўлишга ва фаол фуқаролик нуқтаи назарга эга бўлишга чақирди. Мусиқавий-адабий композициясида улар сайғоқ сони камайишининг сабаблари тўғрисида сўзлаб берди, афсона-ривоят орқали овчиларга сайғоқларни отмасликни буюрган Оқ қария – Цаган Аав тўғрисида айтиб берди. “Чўл кишининг юраги бугун сайғоқ учун ташвишда, вақт бизни жонли меросимизни қандай қилиб сақлаб қолиш тўғрисида ўйлашга мажбурлайди”-хитоб қилди экологик клуб сардори Ринат Кибашев. 5-бчи синф ўқувчилари томонидан инсонга мурожаат – ташвиқий чиқиш тайёрланди. Болалар ушбу маросимни “Қалмиқ чўлига сайғоқ, ишон, жуда керак. Уни сақлай

олмасак – аждодлар насихатини бузамиз” сўзлари билан яқунлади.

Байрам тадбирлари давомида томошабинлар эътиборига “Жонли мерос” чўл клуби экологларининг кучи билан тайёрланган “Чўл антилопасини қутқарамиз” сахналаштирилган томошаси ва “Экос” агитбригадасининг чиқиши тақдим этилди.



Е.Самтанова сурати

“Жонли мерос” чўл клубининг сахналаштирилган томошаси.

Турли мактаб болалари сайғоқ ва чўлда яшайдиган бошқа ҳайвонлар ва ёнма-ён яшайдиган одамлар тўғрисида мини-спектакллар конкурсида иштирок этди. Томошаларда қўлланилган барча костюм ва декорациялар болалар қўли билан тайёрланган эди. “Чўл антилопаси” танловининг ғолиб – ўқувчилари энг яхши ишларининг кўргазмаси ҳам катта муваффақият билан ўтди. Танловга расм, кўлда тайёрланган маҳсулот, ёзма иш ва шеър номинациялари бўйича 136та иш тақдим этилди.

“Тенгдош” болалар ташкилотининг сардорлари томонидан қизгин, энг муҳими эса билим орттириш учун хизмат қиладиган “Сайғоқни сақлаймиз ва ҳимоя қиламиз” дискотекаси тайёрланди ва ўтказилди. Болалар 4та жамоага бўлиниб, улар билан кураторлари – гуруҳ садорлари ишлади. Бу жамоа рақслари бўлди, танаффусларда эса сайғоқни сақлаш мавзуси бўйича танлов ва викториналар ўтказилди. Байрамимиз турли жамоа вакиллари урган кўнғироқ жаранги билан якунланди. Кўнғироқ жаранги сайғоқ ҳимоясига айнан бугун туриш кераклигидан



Е. Салтаева сурати

Эрдниев мактаби жамоасининг чиқиши.

хабар берди! Эртага кеч бўлиши мумкин! Сайғоқни фақат бизнинг эътиборлигимиз кутқариши мумкин. қанча кўпроқ одамлар ушбу муаммони ўзининг шахсий мауммоси деб билса, шунча кўнғироқлар баландроқ жаранглайди.

Қозоғистонда Сайғоқ куни

Карлин Сэммуэль ва Жанна Аксартова

Бу йил АСВК Қозоғистонда ҳар йилги Сайғоқ куни байрамини учинчи марта ўтказди. 2011 йилда байрам биринчи марта ўтказилганда, унда 5 посёлкадан 5та мактаб иштирок этган эди. Биринчи фестиваль меҳмонлари бўлган 350та бола викториналар ва энг яхши расм танловларида қатнашди, улар шунингдек шеърлар ўқиб, қисқа ҳикоялар сўзлади. Бу йил 500дан ортиқ болалар, уларнинг оила аъзолари ва кўнғилчилар ушбу байрамни нишонлаш учун бирга йиғилди.

Сайғоқ куни ушбу жойлар аҳолиси учун шундай муҳим ходиса бўлиб қолдики, бу йил посёлкаларнинг барча раҳбар ва оқсоқоллари байрамда фаол иштирок этди, нутқлар сўзлади, кўргазмалардан завқланди ва совринлар топширди. Тантаналар концерт, шеър ўқиш ва рақслар билан очилди, сўнгра расмий шахслар, болаларнинг оила аъзолари ва дўстлари сайғоққа бағиш-



АСВК сурати

Сайғоқни ёддан чиза оласизми?

ланган кўргазмаларни зиёрат қилиш ва байрамдан олдинги ҳафтада болалар тайёрлаган лойиҳалар билан танишишга таклиф қилинди.

Бу йил биринчи марта Сайғоқ куни тадбирларида барча ёшдаги болалар қатнашди. Улар учун махсус тайёрланган дастурларда иштирок этиши учун, болалар ёшга оид гуруҳларга бўлинди. Энг жажжи фестиваль иштирокчилари ва уларнинг оила аъзоларига сайғоқ тўғрисида мультфильм кўрсатилди, бундан кейин кичкинтойлар ўзининг расмлари билан олган янги билим ва таассуротларини намойиш этди. Ўрта ёшли гуруҳ болалари бир нечта раунддан иборат бўлган “Сайғоқлар тўғрисида ким кўпроқ билади” марафонидан иштирок этди, бунда жамоалар сайғоқ экологияси ва биологиясидан хабардорлигини намойиш этди, чўл антилопасини ёддан чизди. Кўпсонли илтимосларга кўра, улар дастурни интерактив ўйин билан якунлади, бу ўйинда жамоалар браконьерлар ва барча тўсиқлар ва



АСВК сурати

Болаларга сайғоқлар билан чўлда яшайдиган бошқа ҳайвонлар тўғрисида билиб олганлари ёқди.

браконьерлар хужумига карамай, яшаш жойларига кўчиб ўтиш учун курашаётган сайғоқлар ролини ижро этди.

Бу йил биринчи марта ўсмирлар Сайғоқ кунида иштирок этди – уларга “XXI аср эко-сардори” унвони учун курашишга тўғри келди. Мусобақа жуда қизгин бўлиб, катта умумжамоа ишини ва мусобақанинг барча иштирокчилари томонидан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммоларни билишини, атроф муҳитга нисбатан бўлган иштиёқини ва болаларнинг келажақда ажойиб чўл биохилма-хиллигининг химоячилари бўлиб қолишининг катта имкониятларини намойиш этган ғояларни таклиф қилишни талаб этди.

Болалар уларнинг иштироки муҳимлигини ва улар ўз ўлкасида сайғоқни сақлашга қандай ёрдам бериши мумкинлигини англагани ушбу байрамнинг ҳақиқий ижобий натижаси бўлди.



Чўлнинг бўлғуси «чемпионлари».

Матбуотдан

Қозоғистонда сайғоқлар ялпи нобуд бўлишининг яна бир ҳолати

2013 й. 7 сентябрь куни Қозоғистоннинг Акмолинск ва Караганда областларида бетпақдала популяциясига мансуб сайғоқларнинг ўлати белгиланган. Ўлик сайғоқлар Тенгиз кўлининг жанубий, ғарбий ва шимолий қирғоқларида топилган. Ўлган ҳайвонлар ўлат теккан районнинг текислик участкаларида ҳам топилган.

Ўлат сабабларини аниқлаш учун ҚР Атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги, ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ҚР ИИВ, ҚР Таълим ва фан вазирлиги мутахассислари ва бошқ. таркибида муассасалараро ишчи гуруҳ тузилди. 8-12 сентябрь кунлари ишчи гуруҳ маҳаллий бошқарув органлари вакиллари, Биохавфсизлик муаммолари ИТИ, Караганда области ветеринария хизмати мутахассислари билан биргаликда сайғоқларга ўлат теккан жойларни текширди, юз берган ҳодисанинг кўлами ва сабабларини ўрганиб чиқди.

Ердан ва ҳаводан ҳисобга олиш маълумотлари бўйича ўлган ҳайвонларнинг умумий сони илгарироқ хабар берилганидек

<http://www.eco.gov.kz/new2012/2013/09/3126-192/> 3000 зотни эмас 791 зотни ташкил этди, <http://www.eco.gov.kz/new2012/2013/09/3127-81/>.

2013 й. 10 сентябрь куни Остона ш. бўлиб ўтган пресс-конференция давомида ҚР АММқВ Ўрмон ва ов хўжалиги қўмитасининг Бошқарма бошлиғи Бакитбек Дуйсекеев ўлган ҳайвонлардан олинган биологик ва патологоанатомик материалларнинг дастлаб таҳлили пастереллез мавжудлигини кўрсатгани тўғрисида хабар берди.

Бу Қозоғистонда сайғоқлар ялпи нобуд бўлишининг биринчи ҳолати эмас. Масалан, 2010й., 2011 й. ва 2012й. бу ерда 13 мингдан ортиқ урал ва бетпақдала популяцияларига мансуб ҳайвон нобуд бўлган. Расмий хулосага кўра, сайғоқларнинг ялпи ўлишига

пастереллезнинг авж олиши сабаб бўлган, бироқ, ушбу тахмин шу вақтгача тўлиқ исботланмади (SN-11, 13, 14, 15 қар.). Илгари Қозоғистонда сайғоқларнинг пастереллездан ялпи ўлими 1981, 1984 ва 1988 йй. кузатилган (SN-11 қар.).

Хитойда сайғоқ шохларининг катта миқдори қўлга олинди

2013 йил 5 сентябрь куни Хитойнинг Шимоли-Ғарбий чегара хизмати томонидан контрабандистлар мамлакатга ноқонуний олиб кирмоқчи бўлган, ичида 4.470 сайғоқ шохи бўлган 35 қути олиб қўйилди. Қутилар юк машинанинг ичида сомон тойларининг тагида бекитилган эди. Мусодара қилинган шохларнинг белгиланган нархи 22 миллион долларни ташкил этди.



5 сентябрда Хитойда мусодара қилинган сайғоқ шохлари.

Юк машинасининг ҳайдовчиси тўхтатилди ва Хитой томонида уни қутаётган учта шериги борлигини кўрсатди. Кейинроқ, улар чегара хизмати ходимлари томонидан чегара постидан 40 км да ушлаб қолинди. Шохларнинг белгиланган нархи бозор нархига тўғри келмайди, у ноқонуний савдони ушлаб туриш

учун Хитой судлари томонидан қўлланадиган баҳолаш тизимига асосланган ва ҳақиқий бозор нархидан анча баланд. Шохлар Қирғизистон томонидан олиб кирилган, бу эса кўпроқ улар Қозоғистондан келиб чикканини кўрсатади.

Кўшимча маълумот учун, илтимос, Лори Блейкнинг видеоҳисоботи билан танишиб чиқинг,
<http://news.uk.msn.com/video-clips?videoid=773431b9-e1bf-4d98-9440-0f6031daa94c#tscptmf>

Илгарирок, 2013 йил 12 май куни Хитойнинг Синцзян-Уйғур автоном райони, Алашань постанда 719 сайғоқ шохи ушлаб қолинган эди. Учта Хитой фуқароси ва битта Қозоғистон фуқароси жиноятга шерик бўлди. Божхона хизмати маълумотларига кўра, Урумчи атрафидаги чегара участкаси сайғоқ шохлари контрабандасининг энг сеvimли йўлларида ҳисобланади. Одатда, шохларнинг ноқонуний олиб ўтилиши Алмати-Урумчи халқаро поезди орқали амалга оширилади,
http://www.xinjiangnet.com.cn/xj/corps/201306/t20130623_3329891.shtml



Xinjiangnet.com.cn сурати

Божхоначилар 2013 й. 12 май куни Урумчида олиб қўйилган сайғоқ шохларини текширмоқда.

Сайғоқларни тутқунликда кўпайтириш табиий популяцияларни мустаҳкамлаш омили сифатида

2013й. 28-30 май кунлари Ростов области Орловский пос. «Сунъий шароитларда сайғоқ(*Saiga tatarica* L.)ни боқиш ва кўпайтириш» Халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Бундай мавзу халқаро конференция учун биринчи марта танланди, 2003 йилдан буён сайғоқни вольерда боқиш билан шуғулланаётган ижтимоий йўналтирилган нотижорат ташкилот «Чўл жонли табиати» Ассоциацияси эса унинг ташаббускори бўлиб чиқди. Конференция Россия Федерацияси Табиий ресурслар ва экология вазирлиги, Ростов области ҳукумати, Ростов области Қонунчилик Кенгаши, Ростов области Жамоа палатаси, «Инсон ва биосфера» ЮНЕСКО дастури бўйича Россия қўмитаси, Россия фанлар академияси Урал бўлимининг Чўл институти, Жанубий федерал универстиети, РФА Жанубий илмий маркази, «Ростовский» Давлат табиий биосфера кўрикхонаси ва бошқ. томонидан кизгин қўллаб-қувватланди.



Н.Арипова сурати

Сайғоқлар Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази, Яшкульский питомнигида

Россияда сайғоқ Қалмоғистон Республикаси ва Астрахан области ҳудудларида яшайди, баъзан ушбу ҳайвонларни Ростов ва Волгоград областлари ҳудудида учратиш мумкин. РФ Табавазирлигининг сўнгги расмий маълумотларига кўра, Шимоли-Ғарбий Каспий олди ҳудудида яшайдиган сайғоқлар табиий группировкаси узок давом этаётган депрессия ҳолатида, унинг сони тахминан 5 минг зотдан иборат, бу «қайтмаслик нуқтаси»га жуда яқин, бунда эркакларнинг етишмаслиги ҳам кузатилади.

Конференция 75 иштирокчини, жумладан сайғоқларни боқиш ва кўпайтириш бўйича иккита Россия Маркази («Чўл жонли табиати» Ассоциациясининг Европа чўлларининг ноёб ҳайвонлари маркази ва Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази) вакилларини йиғди. Конференция иштирокчилари сайғоқларни вольер шароитларида кўпайтириш ва мустаҳкам популяциялар яратиш учун кейинчалик табиатга қўйиб юбориш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Ушбу тажриба жаҳон амалиётида ноёб турларни сақлаш ва қайта тиклаш учун кенг қўлланилади.

Зубр ва Давид бугусини сақлаш ва тиклаш бўйича дастурлар турларни тутқинликда кўпайтириш йўли билан кутқаришнинг ҳаммага маълум мисолларидир. Пржевальский оти эса фақат тутқунликда боқиш ва кўпайтириш туфайли сақланиб қолган. Сўнгги йилларда Мўғулистон ва Хитойда ушбу ҳайвонларнинг табиий популяцияларини яратишда қатта ютуқларга эришилган.

Конференция резолюциясида қуйидаги муҳим қарорлар ўз аксини топди:

1. Сайғоқ табиий популяцияларининг оғир аҳволини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тур яшайдиган давлатлар Ҳукуматига

кўриқлаш чора-тадбирларини кучайтириш ва генофондни сақлаш ҳам кейинчалик табиатга интродукция қилиш мақсади билан сайғоқни сунъий шароитларда кўпайтириш имконига эътибор қаратишни тавсия этиш.

2. Регионал маълумотларга асосланиб, РФ Табиий ресурслар ва экология вазирлигига сайғоқни сақлаш, жумладан сунъий шароитларда боқиш бўйича мақсадли Федерал дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тавсия этиш.

3. РФ Табиий ресурслар ва экология вазирлигига сайғоқни Россия Федерацияси Қизил китобига киритишни тавсия этиш.

4. Сайғоқ сонини табиий муҳитда турғунлаштириш ва кўпайтириш учун РФ Давлат Думасига браконьерлик учун жиноий жазони кучайтириш мақсадида РФ Жиноий Кодексига тузатишлар киритишни тавсия этиш. Браконьерлик ҳамда бўрилар сонининг тартибга солилмаганлиги фақат табиий группировкаларга эмас, балки табиатга питомниклардан чиқарилаётган зотларга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу, биринчи навбатда, энг заиф сайғоқ популяцияси сифатида Шимоли-Ғарбий популяцияга тегишли.

5. Сайғоқни питомникларда кўпайтириш бўйича тўпланган тажрибани умумлаштирган ҳолда, ҳайвонлар сонини кўпайтириш, уларни экспериментал ўрганиш, табиий муҳитга чиқариш, ферма, ҳайвонот боғи ва питомникларга бериш, бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қўшимча питомниклар яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Регионлар ва маҳаллий бошқарув органлари, бизнес тузилмалар ва грант берувчиларга ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашни тавсия этиш.

6. Қалмоғистон Республикаси ижобий тажрибасидан фойдаланиб, субъектлар Ҳукуматига сайғоқнинг олдинги яшаш ареали чегарасида сайғоқ дериватлари савдосини тақиқлайдиган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишни тавсия этиш.

Конференция иштирокчилари РФА УрБ Чўл институтининг 31 майда ҳар йилги “Чўл Куни” экологик байрамни ўтказиш бўйича, шунингдек РФА УрБ Чўл институти ҳамда Рус географик жамиятининг 2014 йилни “Чўллар Йили” деб эълон қилиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлайдилар.

Батафсилроқ, <http://civil-society.donland.ru/Blog/ViewPost.aspx?pageid=97328&itemId=93121&mid=90327>



Конференция иштирокчилари.

Ўзбекистонда фотоқопқонларни қўллаш

2013 й. 19 июль куни Ўзбекистон Республикаси Давтабқўмитаси Давбионазоратида “Устюрт платоси мисолида биохилма-хилликни ўрганиш учун фотоқопқонлардан фойдаланиш” семинари ташкиллаштирилди.

Давбионазорат, Сайғоқни сақлаш бўйича альянс (SCA), Михаэль Зукков Фонди ва Майда мушуксимонларни сақлаш бўйича альянс (SCCA) ушбу тадбирнинг ташкилотчилари бўлди. Семинардан олдин Ёввойи табиатни сақлаш бўйича тармоқ(WCN)нинг кўмагида SCA ва SCCA ўртасида алмашинув ташрифи доирасида Жанубий Устюртга қўшма экспедиция уюштирилди.



Джим Сэндерсон ва SCA жамоаси.

Сафарнинг асосий мақсади сайғоқ ва Ўзбекистоннинг бошқа ноёб ҳайвонларини ўрганиш ва сақлаш бўйича кейинги ишлар учун фотоқопқонлардан фойдаланиш усулини ўрганишдан иборат эди. Ушбу усул ҳайвонлар феъл-атворининг хусусиятлари, популяцияларнинг жинс ва ёшга оид тузилиши, сони, шунингдек табиий популяцияларга инфратузилиш иншоотларининг таъсири каби долзарб муаммони ўрганиш учун жуда истикболлидир.

Фотоқопқонлар бутун дунёда деярли яқиндан қўлланиб келмоқда, аммо зоологларга улар жуда маъқул келди. Улар қулай, тежамли, самарали. Агар илгари, ҳайвонларни ҳуркитиб юборишдан қўрқиб, ҳафталаб

ўтириб уларнинг ҳаётини кузатишга тўғри келган бўлса, ҳозир ҳаммаси осонроқ – ҳайвонлар йўлида фотокопқонни ўрнатиб, зарурат туғилганда улардан маълумотларни олиш керак. Камера яқинида ҳаракатланадиган объектлар бўлмаслиги жуда зарур, чунки датчикларнинг сезувчанлиги шу қадар юқорики, ҳатто тебранаётган шох ҳам камеранинг ишлаб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун камераларни ўрнатадиган мутахассислар малакасига алоҳида талаблар қўйилади: улар масалани фақат техник жиҳатдан билиб қолмай, балки ёввойи ҳайвонларнинг феъл-атворини билиши ва рельеф, маскировка ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда жойда камерани тўғри мослаш олиши керак.



А.Григорьянц фотокопқонлар усулидан фойдаланиш бўйича семинарни очмоқда.

олдинги йилда пайдо бўлди, бироқ қўллашнинг биринчи натижалари бор. Айнан шу тўғрисида “Ўзбекистонда “Жайрон” Экомарказининг базасида фотокопқонларни қўллашнинг биринчи муваффақиятли тажрибаси” презентациясида Валентин Солдатов сўзлаб берди. WCN алмашинув ташрифи доирасида Жанубий Устюртга уюштирилган экспедиция натижалари тўғрисида маъруза билан “Тўрон” НИГ аъзоси Мария Грицина чиқди.

Наталья Мармазинская ва Елена Бикованинг презентацияларида Михаэль Зукков фонди ва ГЭФ/ПРООН лойиҳаларининг кўмагида ўтказиладиган Устюрт платосига сўнгги экспедицияларнинг натижалари муҳокама қилинди.

Олимлар фотокопқонларни қўллаш билан уларнинг олдида катта истиқболлар очилишини яқдиллик билан тан олди. Улар туфайли ишончли фото ва видео лавҳалар олиш мумкин бўлади, улар, шубҳасиз, Ўзбекистон ҳайвонот оламини яхшироқ билиб олишга ёрдам беради.

Батафсилроқ

<http://econews.uz/index.php/item/2080-в-узбекистане-применяют-новые-методы-наблюдений-за-животными.html>.

“Чўл клублари” мисолида эко-таълим асослари

2013 йил 25-26 март кунлари Нукус ш. мактаб ўқитувчилари иштирокида “Чўл клублари мисолида кўшимча экологик таълим асослари” тренинг-семинари бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Сайғоқни сақлаш бўйича альянснинг кучи билан, Экомактаб ИИЧБ, Қорақалпоқ табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ўтказилди.



Чўл клублари бўйича семинар иштирокчилари.



Фотокопқонни ўрнатиш.

Барча фотокопқонларнинг ишлаш принципи деярли бир хил. Улар одатда учта гуруҳ элементларидан иборат: ҳаракат датчиги, фотокамера (видеога ёзиш функцияси билан) ва кечаси сьёмка олиб боришга имкон берадиган инфрақизил светодиодлар. Бундан ташқари, фотокопқонга аккумулятор ёки батарейкалар керак. Ҳозирги вақтда фотокопқонлар автоном режимда етарли узоқ вақт ишлай олади. Дунёнинг баъзи бориш қийин бўлган районларида мутахассислар ушбу мосламаларни ярим йилда бир марта ўрнатади.



Джим Сэндерсоннинг Тошкентда семинардаги презентацияси.

Семинарда фотокопқонлар, уларни ўрнатиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва сақлаш тўғрисида бутун дунё бўйича ушбу усулдан фойдаланишда катта тажрибага эга бўлган, Майда мушуксимонларни сақлаш бўйича альянс директори - Джим Сэндерсон гапирди. Ўзбекистонда фотокопқонлар биринчи марта фақат

Семинар-тренингнинг мақсади экологик маданиятни ошириш учун касбий маҳоратни орттириш ва замонавий педагогик технологиялар билан танишиш ҳамда таълим олаётган ёшларни касбий йўналтиришдан иборат эди.



Ёш ўқитувчилар ўқитишнинг ўйинга оид усуллари намойиш этмоқда.

Шунингдек семинар турли мактаб ўқитувчиларига учрашишга, ғоялар ва тажриба билан ўртоқлашишга имкон берди.

Музокара қилинган муаммолар орасида қўшимча таълим, ижодий ва тадқиқий имкониятларни ўз ўзидан амалга ошириш имкони, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда флора ва фаунанинг ноёб ва камёб вакиллари сақлаш ишида ёшлар фаоллигини ошириш сифатида Чўл клубларини ривожлантириш муҳим ўрин эгаллади. Шунингдек семинар давомида ўқитувчилар Сайёқ кунининг ўтказилишига қандай қилиб яхшироқ тайёргарлик қўришни муҳокама қилди, тадбирларни режалаштириш бўйича фикр алмашди. Жами семинарда Устюртдан (26, 54 ва 56-сонли мактаблар) ва Нукус шаҳридан (4, 34, 27, 1, 32, 37 ва 29-сонли мактаблар) 16 ўқитувчи ва шунингдек Давтабқўмита ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати партиясининг вакиллари иштирок этди.

Батафсилроқ,

<http://www.econews.uz/index.php/item/1948-основы-эко-образования-на-примере-степных-клубов.html>

Мақолалар

«Степной» заказнигидаги «Чегара» можароси ёки сайёқлар кимнинг ерида туғилипти?

Наталья Судец

мустақил журналист, brigantine@yandex.ru

14 августда худуди "сайёқлар туғруқхонаси" ҳисобланган, «Степной» Астрахань давлат табиат заказниги худудига Қалмоғистон Республикаси томонидан автомобиллар колоннаси кириб келди, иккита юрта ўрнатилиб, қурилиш учун ёғочтахталар туширилди. Аниқланишича, келганлар – шу ерда от, туя, эчки боқишни мўлжаллаган мўғул оилалари экан.

Заказникнинг ушбу участкаси сайёқни қайта тиклаш зонаси ҳисобланади. Чақирилмаган меҳмонлар тўхтаган артезиан булоғи, 10 йил аввал «Степной» заказнигининг ходимлари томонидан чўл антилопаларини суғориш учун махсус тикланган эди. Чўл бўйлаб айланасига заказникнинг ахборотли белгилари турибди. Келган мўғуллар рус тилини умуман билишмайди, ва ўз ҳаракатлари билан махсус кўрикланадиган табиат худудининг тартибини бузаётганликларини тушунмайди. Улар шунингдек Россия Федерацияси

субъектлари ўртасидаги оғрикли худудий мунозара марказида бўлиб қолганликларини ҳам тушунмайди. Мўғулларни бу ерга республика чегарасидан чиқмай туриб, шу ерни ижарага олган, шу районнинг собиқ раҳбари, Қалмоғистон Республикаси Яшқўл районининг "Племзавод Кировский" ОАЖ директори – Бадма Есинович Гаряев юборган.

Гап шундаки, Астрахань области билан Қалмоғистон Республикасини ажратадиган чегара, бу ерда тартибга солинмаган. Федерациянинг иккала субъекти ҳам бу худудни ўзиники деб ҳисоблайди.

Улуғ Ватан уруши вақтида Қалмоғистон АССР СССР ОК Президиумининг Фармони билан йўқ қилинган. Унинг ерлари қўшни областлар ўртасида бўлинган, қалмиқларнинг ўзлари эса Сибирга депортация қилинган. 1950-чи йй. республика қайта тикланган, бироқ кичикроқ чегараларда.



«Степной» заказниги худудига мўғул юрталари.

Бугунги кунда «Степной» заказниги жойлашган ҳудуд Астрахань областига қолган ерларга кириб қолган. СССР бўлиниб кетгандан сўнг субъектлар ер учун судлаша бошлади. 2001 й. округ арбитраж суди Қалмоғистон даъволарини кўллаб-қувватлади ва унга районнинг ғарбий ярмини қайтариш тўғрисида қарор чиқарди. 2003 й. РФ Олий арбитраж суди қарама-қарши қарор қабул қилди. Ҳудуд мақоми ҳозирги кунгача мунозарали бўлиб қолмоқда. Ҳозирда Қалмоғистон Республикаси ва Астрахань областида келишув комиссиялари тузилган.

Шу билан бирга, талашилаётган ҳудуд – бу асосан сайғоқни сақлашда муҳим роль ўйнайдиган бепоён ярим чўл яйловлардир. Волганинг Ўнг соҳилида бу чўл антилопасининг сони 1990-чи йиллар охиридан кескин камайиб, ҳозир 1997 йил даражасига нисбатан тахминан 5 % ташкил қилади. Бу қолган сайғоқлар учун Лиман районининг ғарбий ярми катта аҳамиятга эга – бу ерда доим антилопаларнинг катта гуруҳи яшайди, бу ерда «туғруқхона» – урғочи сайғоқлар бола туғиш учун ялпи йиғиладиган жой жойлашган.

Айнан уларни сақлаш учун РФ иккала субъекти регионал аҳамиятдаги: Қалмоғистонда – Тингутинск, Астрахань областида – «Степной» заказникларини яратиш тўғрисида эълон қилди. Бунда бу заказникларнинг ҳудудлари деярли тўғри келади. Бирок ҳақиқатда ҳудуд ҳар ҳолда Астрахань областига тегишли бўлганлиги сабабли, амалда кўриқлашни «Степной» заказнигининг маъмурияти амалга оширади. Астрахань заказнигининг тартиби унинг ҳудудида заказник дирекцияси билан келишмасдан мол боқишни тақиқлайди, бу эса сайғоқни сақлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Сабаблари бир нечта. Биринчидан, яйловларда рақобат муносабатлари сайғоқлар, кўйлар ва эчкилар ўртасида кучли, шунинг учун антилопаларга муваффақиятли қишлаш имконини бериш учун сайғоқларнинг асосий яшаш жойларида қузда эчки ва кўйларни боқмаган мақсадга мувофиқ. Иккинчидан, кўйлар билан бирга келган одамлар яширин хавф туғдиради. Бу потенциал браконьерлар. Учинчидан, эпизоотийлар. Бу районда сайғоқ популяциясининг қолдиқларини «йўқ қилиш» учун уй кўйлари орасида битта жиддий касаллик тарқалиши етарли. Заказник ҳудудида бегона чорвачилик хўжалиқларининг бўлиши – маъқул эмас ва бунга йўл кўйиб бўлмайди.



Е.Полонский сурати

Чўчиган сайғоқлар сувлоқдан қочяпти.



Е.Полонский сурати

Меҳмондўст ва хайрихоҳ мўғул чорвадорлари заказник ерларида жойлашиб, қонунни бузаётганликларини хаёлларига ҳам келтирмаяпти.

Қалмоғистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг бу масала бўйича фикри ҳозирча расмий эълон қилинмаган. ҚР ТРВ ходими Владимир Бадмаевнинг норасмий фикри куйидагича: ««Черные земли» кўриқхонасини ташкил қилишда Қалмоғистон ернинг ўз қисмини федерал мулкка топширган, топширишни фақат астраханликлар келишмаган. Шунинг учун кўриқхона қисқарган вариантда ташкил қилинган. Мунозарали ҳудуднинг ҳудудий тегишлилик қисмидаги ҳам расмий, ҳам амалдаги чигалликни ҳисобга олган ҳолда, шу ерларни федерал мулкка топшириб, биосфера кўриқхонасининг ҳудудини кенгайтириш юзага келган вазиятдан чиқиб кетишнинг энг яхши йўлидир».

Астрахань томонидан 15 августда область Ҳукуматининг Раиси Константин Маркелов вазиятга изоҳ берди: «Бугун ноқонуний қурилиш жойларига табиатдан фойдаланиш хизмати ва полиция мутахассислари бориб келди. Шу ерларни ижарага берган Қалмоғистон Республикаси район ҳокимликларининг ноқонуний ҳаракатлари мавжуд. Камида иккита қонун бузилган: бошқа субъект томонидан берилган рухсат берувчи ҳужжатлар бўйича федерация субъектининг ҳудудида чет эл фуқароларининг бўлиши ва табиат муҳофазаси қонунчилиги. Яқин орада полиция, ФМС, Астрахань области Ҳукуматининг вакиллари ва район ҳокимликлари Астрахань области ҳудудида ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чораларини кўради. Мен Қалмоғистон Республикаси Ҳукуматининг раиси И.А.Зотовни огоҳлантирдим. Мен ундан ихтиёрий равишда ноқонуний ҳаракатларни тўхтатиш чораларини кўришни сўрадим. Вазият Астрахань области Губернаторининг назоратида».

Мақоланинг тўлиқ матни билан <http://strana.ru/journal/news/23202710> сайтида танишишингиз мумкин.

Таҳририятдан: Матбуотдаги охириги расмий тасдиқланган ахборотга кўра, мўғул кўчкиндилар заказник ҳудудидан чиқиб кетишди <http://e-polonskiy.livejournal.com/237266.html>.

Ўзбекистонда сайғоқ мониторинги маълумотларининг таҳлили, 2006-2012 йй.

Эмма Мардсен¹, Александр Есипов², Елена Бикова², Э.Дж. Милнер-Гулланд¹

1. Империял коллежи, Лондон.

2. Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти.

Муаллиф-мухбир: Э.Дж. Милнер-Гулланд, e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk

Ўзбекистонда сайғоқ мониторинги 2006 йилдан бошлаб, қуйидаги учта асосий ёндашувни қўллаган ҳолда ўтказилади: экспедицияларда олимлар томонидан ўтказиладиган режадан ташқари илмий мониторинг; маҳаллий аҳолининг тасодифий кузатувларига асосланган жамоа мониторинги, 2012 йилдан эса маҳаллий аҳоли томонидан мотоциклларда амалга ошириладиган трансекталардаги мониторинг усули қўллана бошланди. Биз Ўзбекистонда сайғоқларнинг мавсум ва жойга оид тақсимланиш тенденцияларини аниқлаш учун шу маълумотларни таҳлил қилдик.

Июлдан сентябргача кузатувлар жуда кам бўлганлиги сабабли, бу ойлар таҳлилга киритилмади. Биз декабрь 2005 й. кузатувларини ҳам (уларнинг барчаси темир йўл бўйлаб ўтказилган ва объектив ҳисобланиши мумкин эмас), шунингдек географик жиҳатдан Ўзбекистондан кўра кўпроқ Қозоғистонга тегишли бўлган бир нечта кузатувни ҳам киритмадик. Жами таҳлилга 186та кузатув киритилган; улардан 15таси режадан ташқари илмий мониторинг, 147таси – жамоа мониторинги ва 24таси – 2012 й. трансекталардаги мониторинг йўли билан олинган. Бу кузатувлар жой ва вақтга кўра яхши тақсимланган (1-жадвал, 1-расм).

Маълумотлар ҳажми чекланган, чунки танланган маълумот ўлчами катта эмас, мониторинг усуллари эса (трансекталардаги мониторингдан ташқари), эҳтимол, кузатувчилар қаерда бўлганлиги, ва улар далада бўлган йил мавсумига (масалан, қаҳратон қишда эмас, ёзнинг энг авжида) боғлиқ ҳолда, жиддий ноаниқликларга эга бўлиши мумкин.


Сайғоқлар тасодифий жойлардан кўра, йўлларга яқинроқ жойда учраши эҳтимолга яқинроқ (Уилкоксон даража критерийи бўйича; $V=4542$, $p<0.001$). Ва аксинча, сайғоқларни тасодифий жойлардан кўра, посёлкаларга яқин жойда кўриш эҳтимоли камроқ (Уилкоксон даража критерийи бўйича; $V=17319$, $p<0.001$), ва бу айниқса жамоа мониторинги ҳамда трансекталардаги мониторинг усулларини қўллашда яққол кўрсатилган. Бу натижалар сайғоқларнинг ҳақиқатдаги аниқ жойлардан қочишни ёки у ерда бўлишни афзал кўрадиган хатти-ҳаракатига нисбатан текширилаётган жойдаги кузатувчининг тахминларга асосланган (субъектив) фикрини қай даражада акс эттиришини тасдиқлаш мумкин эмас, чунки фақат трансекталардаги мониторинг кузатувчилар ҳаракат қилган маршрутларнинг багафсил таърифига

эга, ва шунинг учун сайғоқлар кидирилган, бироқ топилмаган районлар тўғрисида ахборотни акс эттиради. Шунга қарамасдан, айрим фойдали хулосаларни чиқариш мумкин.

1-расмда сайғоқлар бутун йил давомида бутун Устюрт платоси бўйича кенг тарқалгани кўрсатилган. Эҳтимол, платонинг жануби-ғарбида сайғоқлар бутун йил давомида яшайдиган участка борлигини таъкидлаш қизиқ. Бу қутилмаган нарса, чунки агар сайғоқлар бу ерларга Қозоғистондан кўчиб келишига тўғри келса, улар темир йўл линиясини кесиб ўтиб, йўлни шу регионнинг асосий аҳоли пунктлари ёнидан ўтишига

1-жадвал. Йиллар бўйича рўйхатга олинган сайғоқларни кузатишлар сони, шунингдек қўлланган мониторинг усуллари.

Йил	Кузатувлар сони	Мониторинг усули
2006	11	режадан ташқари илмий
2007	28	жамоа
2008	42	жамоа режадан ташқари илмий
2009	29	жамоа
2010	37	жамоа
2011	12	жамоа
2012	27	трансектадаги режадан ташқари илмий



1-расм. Устюрт платосининг учта вақтга оид давр давомида сайғоқларни кузатиш натижалари кўрсатилган ўзбек қисмининг харитаси.

тўғри келарди. Бу ерлар яратилаётган кўрикланадиган ҳудуд - «Сайгачий» заказнигига - кирмайди ва шунинг учун бу сайғоқлар браконьерлардан яхши ҳимояланмаган. Бу районда кейинги тадқиқотларни ўтказиш ва ҳақиқатдан ҳам сайғоқ популяцияси доим у ерда яшайдики ёки йўқми аниқлаш зарур. Сайғоқлар, тахмин қилинганидек, фақат қишда эмас, балки қўзилаш даври ва эрта ёзда ҳам Ўзбекистонда бўлиши шубҳасиз. Кўпроқ эҳтимоллик билан сайғоқларни Қозоғистон билан чегара ёнида октябрдан мартгача эмас апрелдан июнгача кўриш мумкин (Крускал-Уоллис критерийи, $\chi^2 = 17.11$, $df = 2$, $p < 0.001$).

Тушунтирувчи ўзгарувчанлар сифатида посёлкаларгача бўлган масофа, қор қопламанинг баландлиги, NDVI нисбий вегетацион индекс ва ҳаво ҳарорати каби ўзгарувчан кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда, 186 кузатув асосида, сайғоқлар кўпроқ фойдаланадиган районларни аниқлаш учун биз Максент моделини қўлладик (*батафсилроқ* <http://www.iccs.org.uk/publications/thesis-archive-general/> да Эмма Марсеннинг магистрлик диссертациясини қар.). Натижалар, энг жадал ишлатиладиган районлар «Сайгачий» заказнигининг таклиф қилинаётган кенгайтириш ҳудуди билан ўзаро яхши боғлиқлигини тахмин қилади.

Устюрт платосининг ўзбек қисмида сайғоқлар мониторингини ўтказиш – оғир шароитларни ва чекланган молиялаштиришни ҳисобга олганда жуда мураккаб масала (SN-14да Э. Оффорд мақоласига қар.). Буни эътиборга олган ҳолда, бундай маълумотлар ҳажмига кўра чекланганлиги ва уларни изоҳлаш қийинлиги ажабланарли эмас. Режадан ташқари илмий мониторинг мукамал мониторинг дастурининг фойдали тўлдирувчиси ҳисобланади, бироқ олинган ахборот бу маълумотларнинг субъективлиги сабабли сайғоқлар тарқалишини таҳлил қилишда фақат чекланган тарзда қўлланиши мумкин. Аҳоли иштирокидаги мониторинг кўплаб базавий маълумотлар олишга имкон берди, бироқ унда ўлчанаётган миқдорий маълумотлар йўқлиги сабабли ноаниқликлар бор, чунки у систематик асосда ўтказилмаган. Трансекталардаги мониторинг маълумотлари ҳам пилот тадқиқотлари борасида олинган кузатув натижаларининг кичик миқдори туфайли бу таҳлилда тўлиқ даражада



В.Грисорье сурати

Орол денгизи бўйида топилган сайғоқлар гуруҳининг излари.

ишлатилиши мумкин эмас эди, бироқ агар у давом этса, келажакда жуда фойдали бўлиши мумкин, чунки у камроқ даражада кузатувчининг нообъективлигига мойил, танлаб олиш натижаларини эса миқдор жиҳатдан ўлчаш мумкин.

Бу таҳлилнинг чекланганлигига қарамасдан, у Ўзбекистонда сайғоқни сақлаш учун «Сайгачий» заказнигининг ҳудудини кенгайтириш муҳимлигини тасдиқлайди, шунингдек, Устюрт платосининг ўзбек қисмида сайғоқ жой ва вақт жиҳатдан, аввал тахмин қилинганидан кўра кенгроқ тарқалганлигини тахмин қилади. Асосий тавсия: трансекталардаги мониторинг усулини кенгайтириш ва жадаллаштириш, шунингдек мониторинг ва сайғоқни сақлаш режаларига темир йўл линиясидан баландроқ ва пастроқда жойлашган участкаларни киритиш зарур. Мониторинг ўтказиш натижасида олинган ахборотдан, инспекторларни жойлаштириш ва кўрикланадиган ҳудудлар яратилишини режалаштиришни кўшган ҳолда, Ўзбекистонда шу турни муҳофаза қилишни кучайтириш учун фойдаланиш мумкин. Бу ишимизни қўллаб-қувватлагани учун Уители ҳамда Фауна ва Флора Интернэшнл фондида миннатдорчилик билдирамиз.

Иргиз-Тўрғай давлат табиат резерватига (Қозоғистон) сайғоқ мониторинги

Жаннур Бақитжанқизи

Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати, zhannur_85@mail.ru

Иргиз-Тўрғай давлат табиат резерватининг (ДТР) ҳудуди – бу туёқлилар турининг эгаллаган майдони ва сони бўйича энг йирик бўлган бетпақдала сайғоқ популяцияси тарқалиш доирасининг қисми ҳисобланади. Резерват Актюбинск областининг жанубида жойлашган бўлиб, икки участка: «Атанбаси» ва «Алаколь»дан иборат. Бу участкалар ўртасида мустақил юридик шахсга эга бўлмаган ва резерват билан бошқариладиган «Тўрғай зоологик заказниги» жойлашган (1-расм). Умумий кўрикланадиган майдон 1059549 гектарни ташкил қилади.

Резерват бетпақдала сайғоқ популяциясини сақлаш ва

кайта тиклашда муҳим роль ўйнайди. Баҳорда ёш сайғоқчалар туғилиш вақтида сайғоқлар одатда Куланак, Сункаркия ва Косбуйрек табиий чегараларидаги бир ва ўша участкаларида кичик гуруҳларда тўпланadi. Баҳорги кўчишларнинг умумий йўналиши, жумладан Иргиз-Тўрғай резерватининг ҳудуди орқали – жанубдан шимолга, кузги кўчишлар – шимолдан жанубга. Кўчиш вақтида умумий сайғоқлар сонининг 80-90 % Шалкар-Тенгиз шўрхокни шарқ томондан айланиб ўтади ва ҳайвонларнинг кичик қисмигина уни ғарбдан айланиб ўтади. 2012 й. баҳорги кўчиш феврал охирида бошланиб, март охири-апрелнинг бошигача давом этган.

Кузги кўчиш октябрда бошланган, бироқ асосан ноябр-декабрда ўтган. Мунтазам мавсумий кўчишлардан ташқари, сайғоқларга маҳаллий силжишлар ёки яхши яйлов ёки сувлоқлар қидириб, кўчишлар хос. Жами Иргиз-Тўрғай ДТР худудида 2011 й. 1 январь ҳолатига 33 мингдан ортиқ зот, 2012 й. 1 январь ҳолатига эса 42 мингдан ортиқ сайғоқ зоти ҳисобга олинган, яъни 25 % га кўпроқ (1-жадвал).

2012 й. ноябрда автомаршрутда резерватнинг жануби-шарқий қисмида 17 мингдан ортиқ сайғоқ учраган. 2012 й. декабрда резерватнинг шимолий қисмида «Алаколь» участкасида 15 мингга яқин сайғоқлар бўлган, Косбуйрек тоғи атрофида – 2 минг, резерватнинг жануби-шарқий қисмида эса (Айирмола, Атанбас, Жингилдиозек, Тегене табиий чегаралари) – 20 минг зотга яқин. 2012 й. қишда сайғоқлар куйиқиши Киземшек, Айирмола, Жундибай, Жаратпа, Истикатпа,



1-расм. Мавжуд ва режалаштирилётган участкаларни кўшган ҳолда, Иргиз-Тўрғай давлат табиат резервати харитаси


1-жадвал. Иргиз-Тўрғай ДТР турли участкаларида 2012 йилда сайғоқлар сони

Параметрлар	ГПР	Участкалар		
		Алаколь	Заказник	Атанбаси
Майдон, га	1 059 544	88 180	296 000	675 369
Сайғоқлар сони, зот	42162	8250	6 200	27 712
Аҳоли зичлиги, зот/1000 га	39,8	93,6	20,9	41,0

Жингилдиозек, Тенгелбай, Колшеген, Саритобе, Курдим, Бакшаккол табиий чегаралари атрофида ва Атанбаси участкасида 10 дан 20-декабргача ўтган. Кўзилаш 10 дан 20-майгача Айкол, Қулықол, Сункаркия, Минсай, Жаманай, Узинбидайик, Урисай ва Куланак участкаларида ўтган. Кўзилаш жойлари ўзидан шувокли-бошокли-шўрالي ўсимликлар, саксовул буталари сийрак ўсадиган ва татар ровочи жуда кўп ўсадиган бироз ўнқир-чўнқир текисликни ифодалайди. Кўзилаш подаси 252 урғочи

ва 184 сайғоқчалардан иборат бўлган, яъни битта урғочига ўрта ҳисобда 0.7 кўзи тўғри келган.


Келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, Иргиз-Тўрғай ДТР худуди кўпроқ сайғоқларнинг қишлаш жойи, камроқ даражада – ёзлаш жойи бўлади; шу ернинг ўзида ҳайвонларнинг куйиқиш ва кўзилаши юз беради. ДТРда турли йилларда ва бир йилнинг ҳар хил мавсумларида сайғоқлар сони тахминан озуқа шароитларининг сифати ва сувлоқлар мавжудлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради.




2-расм. Иргиз-Тўрғай ДТР худудида сайғоқларнинг қишки тақсимланиши, 2012 й.



3-расм. Иргиз-Тўрғай ДТР худудида сайғоқларнинг баҳорги тақсимланиши, 2012 й.



4-расм. Иргиз-Тўрғай ДТР ҳудудида сайғоқларнинг ёзги тақсимланиши, 2012 й.



5-расм. Иргиз-Тўрғай ДТР ҳудудида сайғоқларнинг кузги тақсимланиши, 2012 й.

Шимоли-Ғарбий Каспий олдида яшайдиган сайғоқлар популяцияси ҳолатини баҳолаш учун маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторингдан фойдаланиш

Дорвард Л.¹, Арилов Ю.Н.², Милнер-Гулланд Э.Дж.¹

1. Империял коллежи, Лондон; 2. Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази; Муаллиф-муҳбир: Лиджиа Дорвард, leejiah@gmail.com


Шимоли-Ғарбий Каспий олдида яшайдиган сайғоқлар популяцияси бутун дунёдаги бошқа популяциялар қисматидан кутулиб қолмади, 1950-чи йилларда 800 минг бошни ташкил қилган, унинг сони, 2001-чи йилда 15-20 минггача қисқарди. Сўнгги ҳисобга олиш маълумотларига кўра 2012 (SN-16 қар.) йилда унинг сони 7 000 ташкил қилган ва аввалгидек популяция сони қисқаришни давом этапти деган ҳавотир бор. Шунга қарамадан, популяциянинг ҳозирги сони, унинг ўзгариш ва тақсимланиш тенденцияларига нисбатан қатта ноаниқликлар мавжуд.

2008 йилдан бошлаб, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторинг бўйича учта лойиҳани амалга оширди: Британия Кенгашининг BRIDGE лойиҳаси 2008 й. мартдан 2009 й. ноябргача; Рафффорд (Rufford) фондининг лойиҳаси 2010 й. октябрдан 2011 й. июнғача; ва Балиқ ва ов федерал хизмати АҚШ (USFWS) лойиҳаси 2012 й. февралдан ноябргача. BRIDGE ва Rufford лойиҳалари доирасида 25тадан кузатувчи иштирок этди, бироқ уларнинг биронтаси ҳам иккала лойиҳада ишламади, USFWS лойиҳасида эса 43 кузатувчи ишлаб, улардан айримлари олдинги лойиҳаларда ҳам иштирок этди. Кузатувчилар сайғоқлар учраган ҳолларни рўйхатга олган (учраган ҳайвонлар сони, кузатиш вақти ва санаси, сайғоқ жинси, кузатувчигача масофа, кузатиш бурчаги ва бошқ.).

Кузатувчилар ҳисобга олиш маршрутнинг узунлигини аниқламаганлиги сабабли, мутлақ ёки нисбий зичликни ҳисоблашга имкон йўқ, шунга қарамадан, бир нечта лойиҳада қатнашган кузатувчилар томонидан подалар сони ва кузатувлар жадаллиги

бўйича тўпланган маълумотлар (ҳар хил йилларда ўтказилган ишлар ҳажми бир хиллигини тахмин қилиб), шу популяция мақомининг ўзгаришини аниқлаш учун ишлатилиши мумкин. Сайғоқ учраган ҳолларни рўйхатга олган ёки олмаган кузатувчиларнинг бўлган жойларини солиштиришдан, сайғоқлар тақсимланишини баҳолаш учун ҳайвонлар борлиги/йўқлиги бўйича маълумотлар сифатида фойдаланиш мумкин.

Ҳар бир йил пода ўлчамларида вақтга оид вариацияларга кўра уч мавсумга бўлинган; баҳор (қунлар 1-122), ёз (қунлар 123-244) ва киш (қунлар 244-365). Ёз подалари катталигига кўра баҳорги ва қишқига нисбатан анча кичкина эди ($\chi^2=46,2$, $p<0,001$) (1-расм).



1-расм. Маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторинг маълумотларига кўра йил ва мавсум бўйича пода ўлчамларидаги фарқ

Баҳорги подалар катталиги турли йилларда аҳамиятли даражада фарқланган ($\chi^2=12,0$, $p=0,008$), 2008 ва 2012 йй. орасида ва 2011 ва 2012 йй. подалар катталиги камайгани кузатишдан. Ёзги ва кишки подалар сони орасида жиддий фарқ кузатилмаган (1-расм).

Кузатувчиларнинг кўпроқ сони кўпроқ худудларни қамраб олганига қарамасдан, 2012 йилда олдинги йилларга нисбатан подаларнинг максимал ва ўртача катталиклари сезиларли даражада қисқаргани кузатилган (1-жадвал). Турли йилларда ҳар хил мавсумлар ва худудлар қамраб олинганлиги сабабли, бу статистикани эҳтиёткорлик билан изоҳлаш керак, шунга қарамасдан, у 2012 йй. йирик подалар қисқарганини кўрсатиши мумкин.


Келтирилган таҳлилдан кўриб турилганидек, барча олдинги йилларга нисбатан 2012 йй. баҳорги пода ўлчамларининг анча қисқариши юзага келган ($W_{255}=6175$, $p=0,0012$). Ёзги пода катталиклари ўртасида йиллар бўйича жиддий фарқ кузатилмаган ($W_{185}=3249$, $p=0,52$), кишки подалар эса 2012 йилга нисбатан олдинги йилларда каттароқ бўлган, бироқ бу фарқ унча аҳамиятли эмас ($W_{259}=3536$, $p=0,086$).

Пода ўлчамларидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш учун кўшма эффектларнинг чизикли моделларидан фойдаланилган, бунда фақат бир йилдан ортиқ кузатув олиб борган кузатувчиларнинг маълумотлари солиштирилган. Улар подаларнинг ўртача катталиклари 2008 дан 2009 йилларгача ошгани, сўнг эса 2010 йй. 2008 йй. даражасидан қисқарганини ҳамда 2011 ва 2012 йй. қисқаришни давом этганини кўрсатди. Йиллар бўйича пода катталикларидаги ягона жиддий фарқ 2009 йй. (пода ўлчамлари энг катта бўлган) бошқа йиллар билан солиштирилганда кузатилган.

Бир нечта лойиҳаларда қатнашган кузатувчиларга сайғоқлар учраши такрорланишининг ўзгариши тадқиқ қилинди, кузатувчилар томонидан ҳар йил олиб борилган иш ҳажми бир хил бўлган деган тахминда, камроқ учраши чўлда подалар камайганини билдиради. Бир ойда учрашлар сони сезиларли даражада қисқаргани BRIDGE ва USFWS лойиҳаларида қатнашган саккизта кузатувчида белгиланган; 2008/2009 йй. бир ойда ўрта ҳисобда 1.6 сайғоқ учрашидан 0.5 учрашувгача 2012 йй. ($V_8=26$, $p=0,047$). Rufford ва USFWS лойиҳаларида қатнашган 20 кузатувчи маълумотларига кўра, бир ойда ўртача учрашлар сони сезиларли даражада 2010/11 йй. 0.89 дан 2012 йй. 0.32 гача ($V_{20}=188$, $p=0,0002$) қисқаргани аниқланди.

1-жадвал. 2008-2012 йй. подаларнинг максимал ва ўртача ўлчамлари (95% ишончлилик интервали билан), рўйхатга олинган подаларнинг умумий сони ва фаол кузатувчилар сони. Подаларнинг минимал сони ҳар йили 1 га тенг бўлган.

Йил	Поданинг максимал катталиги	Поданинг ўртача катталиги	Кузатишлар сони	Кузатувчилар сони
2008	2000	32±11	222	25
2009	4500	544±440	46	25
2010	800	48±13	89	25
2011	6500	86±32	220	25
2012	30	7±0 45	122	43



2-расм. BRIDGE (2008/2009 йй.) ва Rufford (2010/2011 йй.) лойиҳалари ва USFWS (2012 йй.) лойиҳаси бажарилган вақтдан буён сайғоқ ареалида рўй берган ўзгаришлар кўрсатилган харита. Нукталар USFWS лойиҳаси вақтида кузатувчиларнинг жойлашган жойини кўрсатади. Ранглар шу нуктада сайғоқ учрагани ҳақидаги сўнги ёзув қилинган лойиҳани кўрсатади.

Ўтказилган таҳлил 2008-12 йй. даврида сайғоқ тарқалишидаги айрим ўзгаришларни белгилашга имкон берди (2-расм). Биттадан кўп лойиҳада қатнашган кўпчилик кузатувчилар, сайғоқларни иккала лойиҳа пайтида кўрган ($n=24$). Rufford лойиҳаси пайтида сайғоқларни кўрган, бироқ уларни USFWS лойиҳаси вақтида кузатмаган тўртта кузатувчи, сайғоқларни иккала лойиҳа пайтида қайд қилган кузатувчилардан яқинда яшаган (бир биридан 5.7 дан 12.1 гача км масофада).

Эҳтимол, турли йилларда пода ўлчамларининг юқори даражада ўзгаришининг қисман сабаби кузатувчилар бўлган жойларининг ўзгаришидир (1-расм). BRIDGE ёки USFWS лойиҳаларида ишламаган, Rufford лойиҳасидаги бешта кузатувчи 2010 ва 2011 йй. сайғоқларнинг энг катта подаларини ва энг кўп учрашини қайд қилган. Улар сайғоқлар яшайдиган область марказида, бевосита «Steppes» заказниги ва «Черные земли» кўрикхонларидан жанубга яшайди. Улар Rufford лойиҳасида қатнашиб, USFWS лойиҳасида қатнашмаганлиги, иккита лойиҳани бажариш ўртасидаги даврда подалар ўлчамидаги фарқ жиддийроқ, ва бу популяция ўзгариши тенденциялари тўғрисида тўғри хулоса чиқариш имконларимизни камайтиради деган фикр юзага келиши мумкин. Бироқ таҳлил натижалари сайғоқ популяциясининг сони 2012 йй. олдинги йилларга қараганда пастроқ бўлган бўлиши мумкинлигини кўрсатди.



Л.Дорваро сурати

Ургочи сайғоқ болалари билан кузатувчидан шошилиш беркинмоқда.

Ўзбекистонда Устюрт платосида кам учрайдиган туёқлилар турларини ноқонуний овлаш даражаси

Е.А.Бикова, А.В.Есипов

ЎЗР ФА Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти,
Сайғокни сақлаш бўйича альянс, esipov@xnet.uz

Ўзбекистонда Устюрт платосида йўқолиш хавфи остида турган учта туёқлилар тури яшаши аниқ: сайғок (*Saiga tatarica*), жайрон (*Gazella subgutturosa*) ва устюрт уриали (*Ovis vignei [orientalis] arkal*). FFI ва WCN кўмагида ўтказилган маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторинг дастури доирасида, биз браконьерлар томонидан Устюрт платосида яшайдиган туёқлиларни овлаш даражасини баҳолашга уриниб кўрдик. Масалан, маҳаллий аҳолидан олинган маълумотлар асосида 2009 й. октябрдан 2012 й. декабргача бўлган даврда 250 сайғок (76 эркак ва 174 урғочи), 22 жайрон ва битта уриал ноқонуний овлангани аниқланган. Туёқлиларга браконьерлар таъсирини баҳолаш мақсадида биз битта овчилар гуруҳи (1 мотоцикл, 2 одам) томонидан бир календар йили давомида (2010 й. майдан 2011 й. апрелгача) сайғок ва жайронларни овлаш бўйича маълумотларни таҳлил қилдик.

Шуни таъкидлаш лозимки, шохларига Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиенинг чайқов бозорларида талаб катта бўлган турли ёшдаги (бир ёшлиларини кўшган ҳолда) эркак сайғокларни овлаш браконьерлар учун шубҳасиз биринчи ўринли ҳисобланади. Катта ёшли урғочилар гўшти учун овланади. 2013 й. маълумотларига кўра 1 кг янги сайғок шохларининг нархи 1000 000–1 500 000 сўми (\$370-550); гўштиники – 9 000-10 000 сўми ташкил қилиб, бу мол, кўй ва туя гўшtidан 1.5 баробар арзон. Жайрон ҳам асосан гўшти учун ноқонуний овланади. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли унинг шохларини, сайғок шохлари каби илвасин ва асрайдиган туморлар сифатида ишлатади. Жайроннинг кам сонлиги, яшаш жойлари кўплаб Устюрт поселкаларидан узоқлиги ва локал ишлатилиши туфайли, бу турни овлаш сайғокни овлаш каби машхур эмас.

Овнинг энг қизгин пайти сайғокнинг кўчиш даврига тўғри келади деган умумий қабул қилинган фикрга қарамасдан, маълумотларимиз ов бутун йил давомида бир текис ўтказилишини кўрсатади. Браконьерлар ҳар ойда биттадан тўққиз мартагача чиқади, чиқишлар сони об-ҳаво (каттиқ совуқ, баланд қор, ёмғир, қор эриши) ва шахсий сабабларга



А.Есипов сурати

Қорақалпоқстон поселкаси яқинида топилган, шохларини браконьерлар чопиб ташлаган сайғок бош суяги.

(маблағлар, соғлиги ва ҳ.к.) боғлиқ. Биз кўриб чиқаётган мисолда овлар, об-ҳаво шароитлари ва шахсий сабаблар билан боғлиқ бўлган, 2011 й. январ ва март ойларида ташқари 10 ой давомида ўтказилган. Жами 46 чиқиш амалга оширилиб, улардан 4-тасида сайғок топилмаган. Қолган ҳолларда сайғокни овлашга уринишлар бўлган ва улардан 30 муваффақиятли бўлган. Битта ов учун ўртача босилган масофа 290 км ташкил қилган. Бир неча йил илгари, овчиларнинг айтишича, муваффақиятли ов ўтказиш учун уларга анча кам масофани босиб ўтиш талаб қилинарди. Ўрта ҳисобда браконьерлар 47% топилган сайғокларни отади. Ов унумдорлигига, маҳорат ва табиий омиллар (рельеф, тупроқ сифати ва бошқ.)дан ташқари, овчиларнинг индивидуал хатти-ҳаракати таъсир қилади (айрим овчилар шу йил туғилган сайғоклар ва бўғоз урғочиларга тегмаслик қондасига риоя қилади). Битта овда топилган ҳайвонларнинг максимал сони 10та, ўртача – 3.9 зотни ташкил қилади. Бир ойда 3 дан 39 гача сайғок овланган, ўртача - 11. 2010 й. майдан 2011 й. апрелгача фақат битта овчилар гуруҳи томонидан овланган сайғокларнинг умумий сони 132 зотни (39 эркак, 93 урғочи) ташкил қилади. Ўзбекистон фуқаролари Қозоғистон чегарасига туташган районларда сайғок овлашини тасдиқловчи фактлар ҳам мавжуд. Шу даврнинг ўзида браконьерлар 18 жайронни (7 эркак ва 11 урғочи) овлаган. Кўп овлар апрелдан августгача ўтказилган. Бу жайрон ёки сайғок билан бирга, ёки Ўзбекистонда сайғок сони кам бўлган илик даврда овланиши билан боғлиқ. 10та жайронни овлашдан 9таси натижадор бўлган. Бизнинг маълумотлар, термалар чекланганлиги сабабли ҳақиқий браконьерлик даражасини акс эттирмаслигини таъкидлаймиз. Бироқ улар браконьерлик фактининг ўзи ҳақида гапиради, унинг даврийлиги ва ови юриши ҳақида тасаввур беради.



А.Есипов сурати

Браконьерлар бригадаси.

Сайғокни сақлаш – ҳаётларининг иши



В. Худнев сурати

Анатолий Васильевич ХЛУДНЕВ – Астрахань области "Степной" давлат табиат заказнигининг директори. Анатолий - Россия Армиясининг кадровик офицери, запасадаги подполковник. Мана 10 йилдан ортиқ Анатолий ўзининг бутун вақтини ва ғайратини Шимоли-Ғарбий Каспий олди чўлларидаги ноёб чўл антилопасини сақлашга бағишлайди.

бўйича альянс бошқармасининг аъзоси Алин Кюль (Alin Kuhl) бўлган. Кўпинча мактаб ўқувчилари учун экскурсиялар ўтказамиз, ахир ёшликдан табиатга ғамхўрлик билан қарашни ўргатиб, биз келажакда ютамиз. Ҳар йили баҳорда Буюк Британия, Германия, Австрия, Швейцариядан келган хорижий сайёҳлар учун экскурсиялар ўтказамиз.

Мух.: Сиз қачон илк бор сайғокларга қизиққансиз?

А.Х.: Сайғоклар ҳақида мен жуда кичкиналимдан эшитганман, бироқ биринчи марта уларни 7-синфда ўқиётганимда, бахтли тасодиф туфайли кўриш насиб қилган. Бу кунни яхши эслайман: мен қишлоқдошларим билан бирга жамоа бўлиб қишқи балиқ овида қатнашганман. Тўсатдан тепалик чўққисидан тез югураётган ҳайвонлар гуруҳи кўринди, ва барча катталар «Сайғоклар!!!» – деб бақирди. Мен бу ҳайвонларни яхшироқ кўра олдим, уларнинг ҳаммаси «қишқи» кийимда эди, гуруҳда тахминан 500 зот эди. Улар орасида йирик «шоҳдор»-эркаклари ажралиб турарди.

Мух.: Қачон сайғокни ўрганиш ва сақлаш бўйича ишлай бошладингиз?

А.Х.: 2000 йилда Совет Армияси сафларида хизматни тугатганимдан сўнг менга «Степной» заказниги директори лавозимида сайғокни сақлаш бўйича иш таклиф қилишди. Табиат ҳимояси ташаббускорлари гуруҳини бирлаштириб, тегишли муҳофаза ташкил қилинди, маҳаллий аҳоли ўртасида профилактика ишлари қаттиқ олиб борилди ва «Степной» заказниги ҳудудида ва унинг атрофидаги ҳудудларда ҳар қандай браконьерлик ҳаракатлари қатъий тўхтатилди.

Мух.: Оддий кунингиз нималардан иборат?

А.Х.: Мен ўзимни кабинет ходими деб ҳисобламайман, чунки қоғозли ишларимни максимал қисқа муддатларда бажариб, хизмат вақтининг кўпроқ қисмини, доим жойида бўлишимизни таъминлаган ҳолда рейдлар ва навбатчиликларда ўтказишга ҳаракат қиламан. Иш куним кўплаб ҳодисаларга тўла, бевосита хизмат мажбуриятларини бажаришдан ташқари, жамоамиз заказникка ташриф буюрувчи талабалар ва илмий ходимларнинг илмий изланишлари, экспериментларида ёрдам кўрсатади. Бир неча бор «СТС», «ЗОО ТВ» телеканаллари, Буюк Британия киносуратчилари гуруҳи томонидан яратилган илмий-оммавий фильмлар яратилишида қатнашган – охиргисининг илмий маслаҳатчиси Сайғокни сақлаш

Мух.: Сайғок ҳақида бирон бир қизиқарли воқеа айтиб бера оласизми?

А.Х.: Албатта!!!! Воқеалар жуда кўп, бироқ ишимнинг энг бошида кўрган манзара мени ҳамма нарсадан кўпроқ хайратга солди. Кунларнинг бирида мен катта жониворларнинг ёшларига ғамхўрлигининг гувоҳи бўлдим. Июнь ойида, «тарбиялаш» даврида, кўчаётган подалардан бири заказник ҳудуди бўйлаб ҳаракатланарди, олдинда урғочилар кетарди, улар кетидан кичик сайғокчалар - «болалар боғчаси», намойишнинг охирида эса 5-6 катта эркак сайғок. Бу эркаклар кичиклари қолиб кетиши ва йўқолиб қолишига бермасдан, чарчаганларни бурунлари билан авайлаб кўтариб, уларга ҳар қанақасига ғамхўрлик қиларди. Кейинчалик, бир бор бундай подаларни кузатиб, мен бу эркакларни – «энага» деб номладим.

Мух.: Ишингиздаги асосий муаммолар қандай?

А.Х.: Асосий муаммо кўриқлаш тадбирларининг етарли-ча молиялаштирилмаслиги, Қалмоғистон Республикаси табиат муҳофазаси тузилмалари билан биргаликдаги ҳаракатлар мавжуд эмаслиги деб ҳисоблайман.

Мух.: Ишингиздаги тўсиқларни қандай бартараф этиш мумкин?

А.Х.: Табиат муҳофазаси муаммоларини ечса бўлади деб ҳисоблайман, бироқ уларни камида регионал даражада Астрахань области ва Қалмоғистон Республикаси мансабдорлари ҳал қилиши керак деб ўйлайман.



Елена Жаркова сурати

Анатолий Хлуднев ва ZooTV жамоаси.

Мух.: Ишингиздаги энг яхши нарса нима?

А.Х.: Ишимдаги энг яхши нарса?? Ор-номус ва Виждон тушунчалари – улар учун қуруқ гап бўлмаган иноқ жамоа!!! Ҳар бир жамоа аъзомизнинг кўркув учун эмас, виждон учун ишлашга интилиши, ҳар биримиз, замонавий қилиб айтганда натижага “чарланган”! Натижа эса биз учун - шу оғир шароитларда сайғоқларга тирик қолишга ёрдам бериш.

Мух.: Сайғоқларни сақлаш бўйича истикболлар қандай? Бу турга тирик қолишга ёрдам бериш учун биринчи навбатда нима қилиш керак?

А.Х.: Ҳозирги пайтда Қалмоғистон Республикаси ҳудудида браконьерлик давом этмоқда. Ва агарда ихтисослашган Федерал отряд ташкил қилмасак, сайғоқ популяциясининг келажаги жиддий хавф остида.

Мух.: Сиз табиат муҳофазаси соҳасида ўнлаб йиллардан буён ишлайсиз. Шу йилларда нималар ўзгарди, бу соҳанинг замонавий тенденциялари қандай?

А.Х.: Ўзгаришлар асосан Астрахань области ҳудудида бўлди: маҳаллий аҳоли томонидан браконьерлик тўлиқ йўқотилган. Қалмоғистон Республикаси аҳолиси томонидан ҳам ялпи браконьерлик тўхтатилган, бироқ Қалмоғистонда сайғоқларни йўқ қилиш бутунлай тўхтатилган деб бўлмайди. 2000-2007 й. даврда популяция сонини тахминан 20 000 зотгача

турғунлаштиришга эришилди. Қалмоғистонда Федерал ихтисослашган отряд тарқатиб юборилиб, туёқлилар муҳофазаси бўйича ваколатлар регионлар ихтиёрига топширилгандан сўнг, муҳофазада ўпирилиш юзага келди. 2008 йилнинг тўққиз ойи муҳофаза деярли бўлмаган. Шу сабабдан 2010 йилда сайғоқ популяцияси сонининг 12 000 зотгача кескин камайиши юзага келди. Ҳозирги вақтда Россия популяцияси 7 000 зотдан ошмайди.

Таҳририятдан: "Степной" Заказнигинини шакллантириш ва ишлашида эришилган ютуқлари учун, Астрахань областининг Губернатори А.В. Хлуднев номзодини яқинда ташкил этилган "Волго-Ахтубинск дарё оралиғи" регионал табиат боғи директори сифатида тасдиқлади. Биз Анатолий Васильевичга янги иш жойида муваффақият тилаймиз. «Степной» заказнигининг янги директори қилиб, заказникда у ташкил бўлган пайтдан бошлаб ишлайётган, илгари А.В. Хлуднев ўринбосари бўлган, Владимир Калмиков тайинланди. Заказник яхши қўлларда қолаётганига ишончимиз комил, ва биз унга кўмаклашишда давом этамиз.

А. Хлуднев сурати



Сайғоқлар «Степной» заказнигида сувлоқда.

Эълонлар

Сайғоқ бўйича ресурс маркази очилди!



Сайғоқни сақлаш бўйича альянс, Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Ассоциация ва Кўчувчи турлар бўйича Бонн конвенцияси (КМВ) Сайғоқ бўйича ресурс маркази (РЦС) расмий очилиши тўғрисида хабар қилишдан хурсанд. Бу веб-сайт бутун дунё микёсида сайғоқни сақлаш масалалари бўйича координацион марказ бўлиб, шу соҳада ишлайдиган ёки сайғоқни сақлашга кизиққан ташкилот ва шахсларнинг катта сонига янада яхшироқ фоя, тажриба ва ахборот алмашиш имконини беради, бу эса сайғоқни сақлаш бўйича фаолиятнинг самарадорлиги ва натижадорлигининг ошишига олиб келади.

Сайғоқ бўйича ресурс маркази тўрт тилда мавжуд:

Инглиз: <http://www.saigaresourcecentre.com/>

Рус: <http://ru.saigaresourcecentre.com/>

Хитой: <http://cn.saigaresourcecentre.com/>

Қозоқ: <http://kz.saigaresourcecentre.com/>

Бу сайт учта асосий функцияни бажаради. Биринчи функция – сайғоқлар ва уларни сақлаш муаммолари билан танишиш. Сайт фойдаланувчиларнинг кенг доираси учун фойдали бўлган ахборот тақдим этиш мақсадида ўйланган эди. Сайғоқ билан илк бор танишаётганлар, бу тур ва уни сақлаш асосий муаммолари билан, масалан, Сайғоқни сақлаш масалалари бўйича ҳамжиҳатлик меморандуми (ХМ) КМВ билан танишишлари мумкин. Сайтда шунингдек сайғоқни сақлаш соҳасида профессионаллар учун фойдали бўлган ХМ КМВ бажарилиши бўйича ҳисобот

тақдим этиш шакли каби ахборот тақдим этилган.

Сайтнинг иккинчи функцияси – ресурс базаси (сақланадиган жой) бўлиб хизмат қилиш. Сайтда сиз кўплаб сайёқ фотосуратлари, видеоёзувлар, атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги ахборот-маърифий фаолият бўйича адабиёт ва дарсликларни топасиз. Бу ресурслар сайтда сақланиб, сайёқ бўйича илмий тадқиқотларни ва уни сақлаш бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш ёки рағбатлантириш мақсадида уларга ҳамма ерда ва барча кириши мумкин. Сайёқ ареали мамлакатларида ҳали сайтда кириш мумкин бўлмаган кўп ресурслар мавжудлигига ишочимиз комил. РЦС яхшилаш мақсадида, суратлар, видео, чоп этилган адабиёт (ҳар қандай тилда) ёки ахборот-маърифий фаолият таърифига эга бўлган барча «Saiga News» бюллетени ўқувчиларини, контентини сайтимизга яхшироқ тарзда киритишни муҳокама қилиш учун биз билан saigaresourcecentre@gmail.com манзил бўйича уланишини сўраймиз.

Сайтнинг учинчи ва, эҳтимол, энг муҳим бўлими – бу Мутахассислар учун ресурслар бўлими. Сайтнинг парол билан ҳимояланган бу участкаси сайёқни сақлаш

соҳасидаги барча профессионаллар фойдаланиши учун мўлжалланган. Таржимон бўлиб ишлайсизми, ёки давлат кўриқхонасининг инспектори бўлиб, олимми ёки касбингиз бошқа қандайдир тарзда сайёқни сақлаш билан боғлиқми, веб-сайтнинг бу бўлими сизга шахсий профиль яратиш, ўз ишингиз тўғрисида ахборот алмашиш имконини беради. Сайёқни сақлаш бўйича профессионалларнинг тажриба ва ишини таърифлайдиган каталогини тузиб, биз ареал мамлакатлари ўртасидаги мулоқот ва тажриба алмашишни яхшилашга ёрдам беришимиз мумкин. Бу бўлим келажакда янада самарали ва амалий натижа берадиган лойиҳалар ишлаб чиқишга ва ХМ КМВда кўзда тутилган вазифалар қанчалик муваффақиятли бажарилаётганини баҳолашга имкон беради.

Сайтимиз сизга ёқади деб умид қиламиз. Унда бу ерда таърифлаш учун жой етарли бўлмаган имкониятлар анча кўп. Ҳаммадан кўп биз сиз билан биргаликда сайёқ тақдирини учун қайғураётган, инсонлар самарали тармоғини яратиш, ва натижада шу турни яхшироқ сақлашга олиб келадиган биргаликдаги ишни бошлаш учун «Сайёқ бўйича ресурс маркази» сайтида учрашишни кутяпмиз.



WCN сурати

Джой Ковей хотирасига

Чуқур қайғу билан, узок вақт давомида SCA қўллаб-қувватлаган, бизнинг катта дўстимиз ва доноримиз – Джой Ковей бахтсиз ҳодиса натижасида фожиали ҳалок бўлганини маълум қиламиз. Джой 50 ёшда эди, у, тузилганидан бошлаб ишлаган, Амазон (Amazon) компаниясининг бош молиявий директори лавозимидаги оғир ишидан кейин дам олиш гаштини сураётган эди.

Джой ва унинг саккиз ёшли ўғли Тайлерга кам учрайдиган ҳайвонларга ёрдам бериш жуда ёқарди, ва уларда сайёқни сақлаш бўйича ишимизга чинакам кизиқиш бор эди. Биз улардан Ўзбекистондаги барча лойиҳаларимизни қўллаб-қувватлагани ва бу ўз навбатида болалар учун чўл клубларини ташкил қилишга ва бошқа имкониятлардан маҳрум бўлган маҳаллий аёлларни қўллаб-қувватлаш учун анъанавий каштачиликни бошлашга ёрдам бергани учун жуда миннатдоримиз. Бу оғир дамларда Джой оиласига ҳамдардчилигимизни билдираемиз.

Миннатдорчиликлар

Биз Сайёқни сақлаш бўйича альянс ишини қўллаб-қувватлаш учун пул ҳада қилган ва вақтини кетказган барча инсонларга катта миннатдорчилигимизни билдираемиз. Биз WCN ходимлари ва кўнгилчиларига уларнинг ёрдами ва кўмаги учун миннатдоримиз. Шунингдек биз Рафффорд фонди, WCN, WWF-Мўғулистон ва WCS-Хитой Кичик грантлар дастуридан бу сон чиқишига кўмаклашгани учун миннатдоримиз.

Редакцион коллегия. Буюк Британия: проф. Э.Дж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-консультант], Лондон Имперал Коллежи (e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk), Д.Мэллон [рецензент], Антилопалар бўйича ишчи гуруҳ МСОП, d.mallon@zoo.co.uk; Қозоғистон: Ю. Грачев, проф. А. Бекенов, Зоология институти (teriologi@mail.ru), О.Климанова, АСБК (olga.klimanova@acbk.kz); Хитой: Аили Канг (akang@wcs.org) ва Фенглиан Ли (fli@wcs.org), WCS Хитой; Мўғулистон: Б. Лхагвасурен (lkhagvazeer@gmail.com) ва Б. Чимеддорж (chimeddorj@wwf.mn), WWF-Мўғулистон; Россия: А.Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти (saigak@hotmail.com) ва Ю. Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази (saiga-center@mail.ru); Ўзбекистон: Е. Бикова [маъсул муҳаррир] ва А. Есипов, Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти (esipov@xnet.uz); В.Григорьев [дизайн, версткалаш], mooglik@mail.ru.

Бу нашрни online www.saiga-conservation.com, <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> да, ёки сўровнома бўйича босиб чиқарилган кўринишда инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.

Олти тилнинг ҳар қандайда материал юборишингизни сўраймиз. Илтимос, уларни қуйидаги манзил бўйича esipov@xnet.uz ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади. Инглиз ва рус тилидаги муаллифлар учун қодаларни www.saiga-conservation.com да топиш ёки сўровнома бўйича муҳаррирлардан олиш мумкин. Агарда саволлар туғилса илтимос, мамлакатингиздаги Saiga News муҳаррири ёки маъсул муҳаррир Елена Бикова (esipov@xnet.uz) билан боғланинг.